

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

БЕГИМҚУЛОВ ҲАСАНБОЙ ШУКУРБОЙ ЎҒЛИ

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Бегимкулов Ҳасанбой Шукурбой ўғли

Малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларининг
медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида
такомиллаштириш.....3

Бегимкулов Ҳасанбой Шукурбой угли

Совершенствование медиакомпетентности педагогических кадров
профессионального образования в системе повышения квалификации
посредством цифровых технологий.....25

Begimkulov Khasanboy Shukurboy ugli

Enhancement of media competency of teachers of professional education in the
system of increasing qualification pedagogical staff through digital
technologies.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**БЕГИМҚУЛОВ ҲАСАНБОЙ ШУКУРБОЙ ЎҒЛИ
МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped3261 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ipitvet.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Бекназарова Саида Сафибуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iipro.uz.

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х. Джўраев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,
академик

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.н., профессор

Ҳ.Ш. Кадиров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, п.ф.д.,
профессор

КИРИШ (педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланишнинг асосий тенденциялари орасида жамиятни рақамлаштириш асосида барча жабҳаларнинг рақамли технологиялар билан узвий боғлиқлигини таъминлаш долзарб муаммо саналади. Жумладан, 2030 йилгача қабул қилинган умумжаҳон таълим Концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” ғояси педагог кадрлар касбий фаолиятида компетентлик даражаларини узлуксиз ошириш ва ижодий яратувчанлик тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, АҚШнинг Иллинойс университетида интернет тармоғидаги “LEARN” ва “KIDLINK” минтақавий таълим дастурлари орқали масофадан касбий малака оширишни самарали ташкил этиш, ўтказиш ва назорат қилишда замонавий таълим имкониятларини мақсадли кенгайтириш, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва ахборот-таълим муҳитининг самарадорлигини ошириш, Франция, Страсбургда Европа иттифоқи Парламент ассамблеясининг қонунчилик йиғилишидаги тавсиясига биноан дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ёшлар ва катталарнинг медиакомпетентлиги шаклланишига туртки бўлади, шунингдек, замонавий жамиятнинг медиа маданиятига таъсир этиб, ажралмас омил сифатида қаралади¹.

Жаҳонда профессионал таълим педагог кадрларининг интеллектуал ривожлантириш, ўқув-методик ресурсларни шакллантириш, таълим сифатини оширувчи механизмларни яратиш, таълим соҳасига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш орқали медиакомпетентликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда мустақил таълим олиш имконини берувчи видео контент, аудио, видеоматериаллар, рақамли таълим жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг исталган жойдан масофавий таълим ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳатлар рақамли технологияларга асосланган ўқув-методик таъминотни яратиш ва ривожлантиришнинг концептуал тамойилларини аниқлаштириш, фанлар бўйича интеграллашган ўқув-илмий ресурсларни яратишга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш, фанларнинг ўқув-методик ресурсларини оптимал тақдим этиш, рақамли технологияларга асосланган ўқув-методик таъминотдан таълим жараёнида фойдаланиш методикасини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Республикамизда 2020 йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг 637-сонли “Таълим тўғрисидаги” қонуни талабларидан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан профессионал таълим

¹ Парламентская Ассамблея Совета Европы. Документ №8753 от 6 июня 2000 г.

тизими зиммасига жаҳон андозаларига мос, ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашдек улкан вазифа юклатилди. 2019 йил 6 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасини Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши бу вазифани замон талаблари асосида бажаришни назарда тутди. Республикамизда мазкур вазифаларни изчиллик билан ижобий ҳал этишга оид қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сонли “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикасини Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 106-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим сифатини ошириш, масофавий таълимдан фойдаланиш ва видеоконференциялар ташкил этиш, педагог кадрларнинг касбий ва бошқарув компетентлигини ривожлантириш муаммоларига йўналтирилган тадқиқотлар У. Бегимкулов, Н. Муслимов², Р.Х. Жўраев³, Ф. Закирова, Ш. Шарипов, М. Файзиева, Т. Шоймардонов, Н. Ҳайтуллаева, А. Обидов, К. Каримов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Жумладан, У. Бегимкулов⁴ педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг методик, дастурий-техник таъминоти, Ф. Закирова⁵ педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини

2 Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: Фан ва технология, 2013.

3 Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. – Тошкент, 2010. – Б. 87.

4 Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед.фан.док... дисс. автореф. – Т., 2007. – 42 б.

5 Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовка будущих преподавателей информатика в педагогических вузах: Автореф. дисс. док. пед. наук. – Т., 2008 – 42 с.

такомиллаштириш, М. Файзиева⁶ ўқув жараёнига мослашувчи web тизим таркиби, мазмуни ва дастурий таъминотини яратиш, Н. Ҳайтуллаева⁷ бўлажак информатика ўқитувчиларини методик тайёрлаш тизимида web технологиялардан фойдаланиш, Т. Шоймардонов⁸ педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларининг мониторинг механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганган.

Ўзбекистон Республикасида медиакомпетентлик ва медиатаълим муаммолари С. Бекназарова⁹, Я. Маматова, С. Бобожонов¹⁰, Ҳ. Кадиров¹¹, Х.Х. Некбоев, Ф.А. Хамроева, Х.О. Жўраева, Н.Р. Рустамова, Н.Х. Бегматова ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда компетентлиги муаммоси Н.А. Муслимов, Ш.Э. Қурбонов, Ф.Р. Юзликаев, А.Р. Ходжабоев, У.И. Иноятов, Х.Ф. Рашидов, Ш.С. Шарипов, Ж.А. Хамидов, О.Х. Тўрақулов, Д.О. Химматалиев, О.А. Қуйсиновлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А. Федоров¹², О.В. Орлова, Е. Никитина, И. Фатеевалар медиатаълимни ташкил этиш бўйича салмоқли изланишлар олиб боришган.

Медиакомпетентликни ривожлантириш борасида хорижий олимлардан А. Silverblatt, Dunsan, R. Kubey, С.С. Coombe, С.М. Worsnorлар тадқиқот ишларини олиб борган.

Юқоридаги келтирилган олимларнинг илмий тадқиқотлари таҳлиллари шуни кўрсатадики, профессионал таълим педагог кадрлари малакасини ошириш тизимида уларнинг медиакомпетентлигини рақамли технологиялари воситасида такомиллаштириш муаммолари тўлиқ ўрганилмаган. Олиб борилган илмий тадқиқот иши таҳлиллари асосида аниқланган номувофиқлик ва номутаносибликлар тадқиқот мавзусини “Малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларни медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш” деб номлашимизга асос бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг давлат дастурлари ёки илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Педагогик

⁶ Файзиева М.Р. Ўқув жараёнига мослашувчи web тизимларни яратиш: Пед. фан.фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

⁷ Ҳайтуллаева Н.С. Бўлажак информатика ўқитувчиларини методик тайёрлаш тизимида веб-технологиялардан фойдаланиш: Пед. фан.фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

⁸ Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: Пед. фан.фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

⁹ Бекназарова С.С. Медиаобразование для подготовки преподавателей: создание потенциала для информационного общества. // Монография, 2016.

¹⁰ Бободжанов С.С. Педагог олий таълим муассасалари талабаларини медиакомпетентлигини ривожлантириш технологиялари: Пед. фан. фал. док. ... дисс. автореф. – Т., 2019.

¹¹ Кадиров Х.Ш. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш технологияси: пед. фан. доктори (DSc) ... дисс. – Т., 2020.

¹² Федоров А.В. Модель развития медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза на занятиях медиаобразовательного цикла // Инновации в образовании. 2007. – № 7. – С. 107-616.

инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш илмий тадқиқот ишлари режасининг П1-ХТ-0-11142 “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион қадриятли йўналишларини жорий этиш” ва Бош илмий методик марказнинг “Научно-методическое обеспечение подготовки педагогических кадров с использованием современных ИКТ” мавзусидаги инновацион ва фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларини медиакомпетентлик компонентларини аниқлаш ва уларни рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришга оид педагогик, психологик, техник адабиётлар ва тадқиқотларни таҳлил этиш ҳамда мавжуд ҳолатини ўрганиш;

малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларини медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожлантиришга оид интегрatív дастурий ва методик таъминотини такомиллаштириш;

рақамли технологиялар воситасида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентликни ривожлантириш моделини такомиллаштириш ва адекват методикасини ишлаб чиқиш;

профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожланганлигининг самарадорлигини математик-статистик ҳисоб-китоблар орқали аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқот предмети: педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларида медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик шарт-шароитлари, мазмуни, методлари ва шакли.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун умумилмий (тарихий, биографик, контент-таҳлил), педагогик кузатиш, социометрик (тест, электрон сўров, суҳбат), моделлаштириш (лойиҳалаш), ва математик статистик ҳисоб китобларни амалга оширувчи методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда иборат:

профессионал таълим педагоглари медиакомпетентлигини рақамли таълим технологиялари воситасида такомиллаштиришга оид интеграллашган mt.moqt.uz электрон платформасининг тузилмаси масофавий курслар, видео контентларнинг дидактик функциялари асосида медиакомпетентликнинг

медиясаводхонлик, медиатахлил ва медиакретивлик компонентлари мазмуни билан ўзаро оптималлаштирилган;

профессионал таълим муассасалари педагогларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ҳамда концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий модели “Деминг цикли” босқичлари компонентларига уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

медиа муҳитида педагогик фикрлашнинг тизимлилиги, мустаҳкамлиги, билимларни интеграциялаш каби шахсий ва касбий сифатларни ривожлантиришга қаратилган рақамли таълимнинг Questing learning технологиясини қўллаш асосида педагогларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

медиакомпетентликни баҳолашга имкон берувчи назорат шаклларида индексини (method S-P lines тестларидан), мувозанатлилигини (Balanced assesment) ҳамда рақамли технологияларни билиш даражасини (интеллектуал) аниқловчи методлардан фойдаланиш асосида педагогларининг медиакомпетенцияларини ривожланганлигини аниқлашнинг критериал-диагностик мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришнинг илмий асосланган модели ишлаб чиқилди ва тажриба синов жараёнига татбиқ этилган;

профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш мақсадида “Kasbiy-pedagogik kompetensiyalarni rivojlantirish, pedagogning kasbiy standarti” номли ўқув қўлланма (ISBN 978-9943-7711-7-8) ишлаб чиқилган ва профессионал таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш жараёнида амалиётга татбиқ этилган;

Questing learning технологиясига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси (№ 005002) олинган;

профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга қаратилган “Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш дастури” номли электрон ўқув қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномаси (№ 14093) олинган;

профессионал таълим педагог кадрларининг малакасини оширишга мўлжалланган масофавий таълим электрон платформаси (mt.moqt.uz) медиакомпетентликни ривожлантиришга қаратилган масофавий курслар, видео контент ва ўқув методик мажмуалар асосида такомиллаштирилган ва амалиётга татбиқ этилган;

профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган (ўқув ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари, катта усталар, психологлар, гуруҳ раҳбарлари, ишлаб чиқариш таълим усталари ҳамда профессионал таълим ўқитувчилари) медиакомпетентлигини ривожлантиришга қаратилган “Иш фаолиятда

рақамли технологиялар” модули ва унинг ўқитиш материаллари комплекси ишлаб чиқилиб амалиётга босқичма-босқич жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси ҳамда малакасини ошириш жараёнида профессионал таълим педагог кадрлари медиакомпетентлигини ривожлантириш соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари ва амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, олий аттестация комиссияси рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган электрон платформа mt.moqt.uz, тизим ва дастурлар малака ошириш жараёнида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шароитлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, рақамли технологиялар воситасида профессионал таълим педагог кадрларини медиакомпетентлигини ривожлантириш мазмуни ва методларини (Questing learning технологияси, аралаш таълим технологиялари, инновацион таълим методлари) такомиллаштириш бўйича тавсиялар, таълим мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича дастурий (DGU №14093 электрон ўқув қўлланма) ва ўқув-методик таъминот (ISBN 978-9943-7711-7-8 рақамли ўқув қўлланма) ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти профессионал таълим педагог кадрларини малакасини ошириш жараёнларида ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотни яратиш, инновацион таълим технологияларини жорий этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагог кадрларнинг медиакомпетентликни рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш бўйича таклифлар асосида:

профессионал таълим педагогларини медиакомпетентлигини рақамли таълим технологиялари воситасида такомиллаштиришга оид интеграллашган mt.moqt.uz электрон платформасининг тузилмаси масофавий курслар, видео контентларнинг дидактик функциялари асосида медиакомпетентликнинг медиасаводхонлик, медиатаҳлил ва медиакретивлик компонентлари мазмуни билан ўзаро оптималлаштирилганлиги ҳамда профессионал таълим муассасалари педагогларининг медиакомпетентлигини рақамли

технологиялар воситасида ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ҳамда концептуал методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий модели “Деминг цикли” босқичлари компонентларига уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилганлигига оид хулосалардан “Kasbiy-pedagogik kompetensiyalarni rivojlantirish, pedagogning kasbiy standarti” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи, 356-042 рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада профессионал таълим педагоглари медиакомпетентлигининг самарали такомиллаштирилишига эришилган;

медиа муҳитида педагогик фикрлашнинг тизимлилиги, мустаҳкамлиги, билимларни интеграциялаш каби шахсий ва касбий сифатларни ривожлантиришга қаратилган рақамли таълимнинг Questing learning технологиясини қўллаш асосида педагоглarning медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилганлиги ҳамда медиакомпетентликни баҳолашга имкон берувчи назорат шакллари индексини (method S-P lines тестларидан), мувозанатлилигини (Balanced assesment) ҳамда рақамли технологияларни билиш даражасини (интеллектуал) аниқловчи методлардан фойдаланиш асосида педагоглarning медиакомпетенцияларини ривожланганлигини аниқлашнинг критериал-диагностик мезони каби хулосалардан “Kasbiy-pedagogik kompetensiyalarni rivojlantirish, pedagogning kasbiy standarti” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи, 356-042 рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада медиа муҳитида педагогик фикрлашнинг тизимлилигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та хориж ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 167 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий

этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагог кадрларни медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситаларида такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик муаммоси, рақамли технологиялар ва уларни таълим жараёнида самарали фойдаланиш зарурати, медиакомпетентлик ва уни ривожлантиришни илмий асослари, медиакомпетентликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари ҳамда профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг ушбу бобида педагог кадрларнинг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришнинг аниқ тавсифи мавжуд эмаслиги, маҳаллий ва ҳорижий олимларнинг кўплаб ишларида медиакомпетентлик тушунчасининг турли ҳил талқинлари тафсилотлари келтирилган. Шу билан бирга профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлиги рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришга қаратилган малака талаблари, компетенциялар турлари аниқланган. Тадқиқот доирасида педагогик, психологик ва техник адабиётлар таҳлили асосида медиакомпетентликнинг компонентлари (медиясаводхонлик, медиатаҳлил ва медиакреативлик) аниқланган ва педагог кадрларининг медиакомпетентлик муаллифлик изоҳи келтирилган.

Профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлиги – таълим муҳитида таълим берувчи томонидан маълумотларни қидириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, фойдаланиш ҳамда таълим олувчиларга маълумотлар етказишда мультимедиа технологияларни фаолиятда қўллаш олиш қобилияти тушунилади.

Тадқиқот доирасида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришни ташкил этувчи шахсий ва касбий сифатлар аниқланди (1-расмга қаранг).

Тадқиқотимиз давомида профессионал таълим педагог кадрларининг ўқув дастурлари мазмунини қайта кўриб чиқиб, информатика фанининг ўқитиш модули мазмуни такомиллаштирилди ва машғулотларни ташкил этиш шаклларида назарий, амалий, кўчма машғулотларда ва мустақил таълим жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари аниқлаштирилди.

Профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари аниқланди. Улар қуйидагилардан иборат: рақамли технологияларни касбий соҳага йўналтириб ўқитиш мазмунини модернизация қилиш – бугунги таълимни рақамлаштириш шароитида таълим самарадорлигини оширишда ўрнини белгилаш; касбий фаолиятда рақамли технологияларни қўллаш – педагог кадрларнинг

машғулотларида рақамли технологиялардан мунтазам фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш;



1-расм. Профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришни ташкил этувчи шахсий ва касбий сифатлар

таълимни рақамлаштириш шароитида касбий тайёргарлик жараёнини индивидуаллаштириш ва замонавий таълим талаблари билан уйғунлигини таъминлаш – технология янгиликларини тингловчиларга етказиш ва улар томонидан таълим олувчиларни рақамли жамиятга мослашишга имкониятлар яратиш; ташкилий ва услубий шароитлар яратиш – профессионал таълим ўқитувчисининг малакасини оширишни ташкил этишда педагогик жамоага шарт-шароит яратиш ва унинг имкониятлари ҳамда мустақил ўз устида ишлашига қулайликлар яратиш; педагог кадрларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг мақбул дастурий таъминотини танлаш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш; педагог кадрларни медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг технологик тузилмаси ва дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Педагогларни касбий фаолиятига мақсадли тайёрлашнинг индивидуал таълим стратегиясини лойиҳалаш ўрни ва ролини аниқлаш ҳамда дидактик жараёнини сифатли ва самарали ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги: биринчидан, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларини ҳам юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш, ўқув жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, моддий техник базани яхшилаш; иккинчидан, таълим самарадорлиги доимо ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ўқув жараёнининг рақамли технологиялар ва таълимнинг интеграциясида ўқитувчининг ролини аниқлаш; учинчидан, педагогиканинг фан сифатидаги нисбий инерцияси рақамли технологияларнинг тез, яшин тезлигида жорий этилишига эришиш; тўртинчидан, рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустақам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча ташкилий шароитлар яратиш зарурлиги аниқланди.

Шундагина рақамли технологиялардан фойдаланиб, таълим сифатини таъминлаган ҳолда ўқитувчиларнинг малака талаблари даражасида муттасил малака оширишини самарадорлигига эришиш мумкинлиги аниқланди.


Таълим соҳасида рақамли технологиялар орқали ташкил этилаётган курслар кун сайин такомиллашиб бормоқда. Бу ҳолатда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва унинг дастурий таъминотини яратиш ҳамда мазмун билан тўлдириш муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб профессионал таълим педагогининг медиакомпетентлигини босқичма-босқич ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси аниқланди: 1. Рақамли технологиялар ва медиа таълим уйғунлигини таъминлаш, бунда андрогог таълим берувчи ўзининг ўқув фаолияти давомида таълим оловчилар учун рақамли технологиялар асосида медиа муҳитни яратиши, уларнинг медиасаводхонлигини оширишга хизмат қиладиган технологияларни жорий қилиши, рақамли технологиялар ютуқларидан таълим бериш жараёнида самарали фойдаланишига эътибор қаратиш зарур. 2. Глобал интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш ва ахборотларни фарқлай олиш – бунда медиакомпетентликнинг ушбу тузилмаси таълим берувчи томонидан глобал тармоқда мавжуд ахборотларни қидириш, топиш ва уларни синтез қила олиш, топилган ахборотларни фарқлай олиш ҳамда таълим оловчиларга тўғри етказиб беришга эътибор қаратилади. 3. Ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтириш – бунда таълим берувчи медиа таълим бериш шароитида креативлик, ижодкорлик ва новаторлик қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилади. Таълим бериш жараёнида янги техника ва технологияларни ҳар қандай аудиторияга мослаши ва улардан оқилона фойдалана олиши муҳим саналади. 4. Медиакомпетенцияларни ривожланганлигини даражаларга ажратиш – бунда медиа таълим жараёнида таълим берувчи таълим оловчиларнинг компетенцияларини аниқлашга қаратилади. Чунки таълим берувчи таълим оловчиларнинг медиакомпетенцияларни ривожланганлик даражаларига қараб таълим жараёнини ташкил этади. 5. Илм-фан тараққиёти стратегиясидан бохабар бўлиш – бунда медиа таълим муҳитида фаолият юритаётган ҳар қандай таълим берувчи соҳада юз бераётган илм-фан янгиликлари, кашфиётлар ҳамда ютуқларидан бохабар бўлиши, ўз касбий фаолиятига жорий эта олишига ҳаракат қилади.

Тадқиқотнинг **“Малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларини медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш мазмуни ва ташкилий-тузилмавий модели Деминг цикли асосида ишлаб чиқилган, педагог кадрларнинг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришнинг дастурий таъминоти, профессионал таълим педагог кадрларни медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожлантириш методикасини такомиллаштириш масалаларини ёритишга қаратилган.

Тадқиқот давомида педагог кадрларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришга таъсир этувчи ташқи омиллар аниқланди. Улар: педагогнинг замонавий рақамли технологияларни амалиётга тезда жорий этишга бўлган муносабати, педагогларнинг малакасини ошириш жараёнидан кутилаётган натижалар, профессионал таълим муассасалари педагогларга бўлган муносабати, янги рақамли технологияларни педагогик фаолиятда қўллаш муаммолари ечими сифатида: медиакомпетентликни ривожлантиришда таянч ва касбий компетенциялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаган ҳолда малака ошириш жараёнига қўллаш мумкинлиги аниқланди. Профессional таълим тизими педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришда Эдвард Деминг томонидан амалиётга жорий этилган ва “Деминг цикли” деб номланган циклдан самарали фойдаланилди. Деминг цикли (режа, бажариш, натижа, ҳамкорлик) тўртта босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич ўзига хос ҳаракатларни ўз ичига олади. Деминг цикли таълим жараёнини бошқаришда сифатни доимий равишда яхшилашни кўзда тутди. Тадқиқот доирасида Эдвард Деминг сифати доимий равишда такомиллаштириш бошқарув циклининг вариантлари таклиф қилинди: Режа босқичи – вазифаларни таҳлил қилиш, профессионал таълим муассасаларининг педагог кадрлари медиакомпетентлигига қўйиладиган малака талабларини аниқлаш, медиакомпетентликни рақамли технологиялар воситасида ривожлантириш режалаштирилади. Бажариш босқичи – бу босқичда ўқитиш жараёнида қўлланиладиган дастурий воситалар, таълимда рақамли технологияларни қўллаш бўйича ўқув режаси ва фан дастурлари такомиллаштирилади, таълим жараёнига рақамли технологиялар воситалари жорий этилади, назарий ва амалий дарс ишланмалари лойиҳалаштирилади ва таълим жараёни ташкил этилади. Назорат босқичи – Questing learning технологияси асосида таълим методикаси, такомиллаштирилган ўқув режалари ва фан дастурларини қўллаган ҳолда малака ошириш тизимида дарсларни ташкил этиш жараёни назорат қилинади. Бунда тингловчиларнинг фаоллиги, таълим жараёнининг самарадорлиги таҳлил қилинади, камчиликлар аниқланади. Ҳаракат босқичи – ишлаб чиқилган методика асосида таълим жараёни ташкил қилинади ва аниқланган камчиликлар бартараф қилинади. Таълим жараёнида кутилаётган натижага эришилгунга қадар, босқичлар цикли давом эттирилади.

Тадқиқот муаммосининг назарий ва амалий ғояларига таянган ҳолда профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожлантириш жараёни мақсадли, дидактик жараёнли ва кутилаётган натижаларни баҳолаш блокларидан ташкил топган модели ишлаб чиқилган (2-расмга қаранг).

Мақсадли блок ташкилий компонент ҳисобланиб, у рақамли технологиялардан фойдалана оладиган, медиакомпетентиялари ривожланган ва ўзини-ўзи бошқара оладиган педагог кадрларга бўлган давлат малака талабларини эътиборга олади.



2-расм: Профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида ривожлантиришнинг ташкилий-тузилмавий модели

Дидактик жараён: олиб бораётган тадқиқот ишимизда белгиланган мақсад ва вазифалар ҳамда дидактик шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда натижага эришиш мақсадида медиакомпетентликнинг функциялари ҳамда педагогнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришни ташкил этувчи шахсий ва касбий сифат кўрсаткичлари аниқланган. Медиакомпетентликнинг мотивацион, интеллектуал, амалий ва креатив функциялари белгиланди: Мотивацион функция – бу таълим олувчиларда янги билимларни ўзлаштиришда ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш қизиқишини ортиб боришида ўз аксини топади. Интеллектуал – педагог кадрларнинг ўз устида ишлашлари ва янги замонавий рақамли технологиялар ва уларнинг воситаларидан фойдаланиш вариантларини асослашида кўринади. Амалий кўникмаларни шаклланганлиги – педагог кадрлар ўзида назарий ривожланган медиакомпетентликни таълим олувчиларга етказиб бера олиши, таълим бериш жараёнида рақамли кўникмалардан тўлақонли фойдалана олишида намоён бўлади. Креатив-ижодкор – ўқитувчи ўз тафаккуридаги оригинал ғояларни таълим жараёнига тадбиқ эта олишида намоён бўлади.

Медиакомпетентликнинг таркибий тузилмаси (медиясаводхонлик, медиатаҳлил ва медиакреативлик) аниқланди: медиа саводхонлик бу маълумотни қабул қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва турли медиа форматларда тақдим эта олиш компетенцияси тушунилади. Медиатаҳлил бу миқдорий ва сифат таҳлили, контент-таҳлил, фоно-семантик (эмоционал) ва бошқа таҳлил турларини ўзида акс этган манбааларнинг тизимли ўрганилишидир. Медиатаҳлил таълим бериш фаолиятининг асосий элементларидан ҳисобланади. Медиакреативлик эса таълим жараёни иштирокчисининг анъанавий таълим чегара, қоида ва шаблонлардан чиқиши, бу орқали янги ғояларни, метод ва шакл талқинларини ярата олиши тушунилади. Шунингдек, медиакреативлик тасаввур ва оригиналликнинг профессионал ёндашувини ўзида акс эттиради. Профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг таълим шакли, таълим методлари, дидактик жараёнлари ва воситалари ишлаб чиқилди. Профессионал таълим тизими педагог кадрларининг малакасини ошириш жараёнини рақамлаштириш ҳамда таълим олувчиларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш учун ҳизмат қилади. Таълим олувчиларнинг таълим муҳитини рақамлаштириш ва медиа билан бойитиш учун индивидуал ва гуруҳларда ишлаш, мустақил ҳамда масофавий таълим шакллари самарали фойдаланилди. Таълим шакллари Questing learning ва инновацион таълим методлари орқали ўқув машғулотлари олиб борилди. Таълимда инновацион таълим методларини қўллашда фойдаланилган дидактик жараённинг таълим воситалари сифатида булутли технологиялар, Google form, QR кодлар белгиланди.

Questing learning рақамли таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш, онлайн платформа ва дастурий воситалар асосида таълим олувчиларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг инновацион ва рақамли технологияларидан фойдаланишнинг самарали технологик-методик

тўлдирувчиси ҳисобланади. Малака ошириш жараёнида педагог кадрларни рақамли технологиялардан фойдаланиб таянч компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

Медиакомпетентликни ривожлантириш тўрт босқичда амалга оширилди: 1-босқич – рақамли технологиялар асосида – ташкил этилган виртуал лабораторияларни яратиш ва ишлаш, шунингдек, масофавий таълим элементларини тўлдириш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш; 2-босқич – ахборот хавфсизлиги – ахборотлардан тўғри фойдаланиш, сақлаш, керакли ахборотни ажрата олиш ва ҳимоялаш, бунда ахборотлардан тўғри фойдаланиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш; 3-босқич – ўз-ўзини ривожлантириш – замонавий рақамли технологиялардан фойлана олишни ўрганиш ва уни фаолиятда қўллаш олиш; 4-босқич – инновацион фаолият билан боғлиқ таълимга янги ғояларни олиб кириш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш.

Рақамли технологиялар воситаларидан самарали фойдаланиш учун таълим берувчидан катта меҳнат талаб қилмайдиган материалларни тақдим этишнинг тизимлаштирилишини тақозо этади. Профессional таълим педагог кадрларининг ижодкорлигини ривожлантиришга онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошиши учун сафарбар қилади. Малака ошириш жараёни машғулотларида педагог кадрларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш методикаси қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди: - малака ошириш жараёнини лойиҳалаштириш; - ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш; - ўқув режасидаги модулларга қўйилган малака талабларига кўра ўқув жараёнида рақамли технологиялардан мақсадли фойдаланиш; - андрагоглар томонидан рақамли технологиялар воситаларидан фойдаланиш бўйича материалларни тайёрлаш; - назарий ва амалий машғулотларни Questing learning технологияси асосида ташкил этиш; - назарий ва амалий машғулотларда педагог кадрларни баҳолаш.

Тингловчиларнинг медиакомпетентлигини босқичма-босқич аудитория машғулотларида (назарий, амалий, кўчма) ва аудиториядан ташқарида (мустақил фаолиятда битирув малакавий ишини бажариш, тақдимот тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш) машғулотларда ривожлантириш методикаси аниқланди: назарий машғулотда олинган назарий билимларни “Аралаш таълим технологияси моделларини” педагогик фаолиятда мустақил қўллаш олиши, амалий машғулотларда “Questing learning” технологиясидан фойдаланиб тингловчиларда муаммоли вазиятларга типик қарашларни амалга ошира олиш, кўчма машғулотларда кўргазмалилик технологиялардан фойдаланиб янги вазиятларга нотипик, вариатив ёндаша олиш, мустақил фаолиятида StartUP лойиҳалар яратиш ва уларда иштирок этиш орқали медиакомпетентликни ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди.

Профессional таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштиришда mt.moqt.uz электрон таълим платформаси видео контентлар, масофавий таълимни ташкил этиш курслари асосида такомиллаштирилди, масофавий ўқитиш электрон

платформаси – масофавий ўқитиш тизимининг мақсади – онлайн ва офлайн ўқитиш технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқув курсларини ташкил этиш, курс мазмунини фойдаланувчилари ҳамда ташкилотчиларининг ўзаро виртуал алоқасини таъминлаш ҳамда курс материалларини ишдан ажралмаган ҳолда интернет тармоғи орқали ўзлаштириш, шунингдек, ўзлаштириш натижалари мониторингини юритиш каби элементлардан иборат. Масофадан ўқитишнинг электрон платформасида уч турдаги роллар мавжуд. Улар: администратор кабинети; марказ кабинети; тингловчи кабинетидан ташкил топган бўлиб барча фойдаланувчиларнинг ўз вазифаларидан ташкил топган.

Малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш уларнинг эҳтиёжларига асосланган индивидуал траекториясида ўз аксини топади. Малака ошириш муассасаларини педагогнинг касбий ривожланиш индивидуал траекториясини медиакомпетентликни ривожлантиришдаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: педагог томонидан рақамли технологиялардан ўз фаолиятида мустақил фойдаланишини мувофиқлаштириш; янги билимларни ўзлаштириш жараёнини бошқариш; фаолият натижалари асосида касбий ривожланиш индивидуал траекторияси ишлаб чиқилиб, тингловчи ўз фаолиятини рақамли технологиялар воситасида баҳолаш механизмини ташкил этади.

